

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги директори А.Бурханов
раислигида ўтказилган йиғилиш**

4-СОНЛИ БАЁННОМАСИ

2024 йил 28 июнь

Тошкент шаҳри

Раислик этувчи:

А.Бурханов

Агентлик директори

Директор ўринбосарлари:

Д.Рахимов, У.Тухташева,

У.Мавлянов

Тармоқ раҳбарлари:

А.Эргашев, У.Бердиқулов,

У.Дауланов, У.Абруев,

Д.Рахматов, З.Бойсинов ва
бошқалар

Котиб:

Ж.Бешимов

Кун тартибидаги масала:

I. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 4 йиллик фаолияти ва келгусидаги вазифаларни муҳокама қилиш.

Йиғилишни раислик этувчи кириш сўзи билан очиб, кун тартибидаги масала юзасидан қуйидагиларни таъкидлаб ўтди.

Агентлик ташкил этилганидан буён ўтган 4 йиллик давр мобайнида коррупцияга қарши курашиш масаласи давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиб давлат бошқарувида бюрократияни камайтириш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш, рақамлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилди, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури билан мақсадли кўрсаткичлар белгилаб берилди.

Шунга асосан, давлат дастурлари ва бошқа ҳужжатларда белгиланган топшириқларни ижросини самарали ташкил этиб, ўз вақтида бажариш лозимлиги айтиб ўтилди.

Шундан сўнг, Агентликнинг олдида турган вазифаларни юзасидан Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими етакчи инспектори Ж.Бешимов, Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси бошлиғи А.Эргашев, Коррупцияни олдини олиш ва «комплаенс-назорат» тизимини жорий этиш бошқармаси ходимлари

М.Мадрахимова ва М.Расуловларнинг ҳисоботлари ҳамда таклифлари эшитилиб, муҳокама этилди.

Қайд қилинганларга асосан йиғилиш:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг ўринбосарлари (Д.Рахимов, У.Тухташева, У.Мавлянов), Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими (Ж.Бешимов) ва барча таркибий тармоқ раҳбарларига:

1.1. Агентлик томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш жараёнларини яқунлаб, юқори органларга киритиш ва қабул қилишдаги муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилсин.

1.2. “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонун тадбиқ этиладиган давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек давлат хизматчилари лавозимлари рўйхати ва сони аниқ белгилансин.

1.3. Коррупцияга қарши курашиш виртуал академиясида мажбурий ўқитилиши лозим бўлган субъектларнинг доираси аниқланиб, Йиллик режа графика киритилиши таъминлансин.

1.4. Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестри, мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациянинг намунавий шакллари ишлаб чиқиб, Агентлик директорининг буйруғи билан тасдиқлаш ва Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилиши таъминлансин.

1.5. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш бўйича «E-anticor.uz» электрон платформасига зарур базаларни интеграция қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилсин.

1.6. Давлат хизматчиларининг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари бўйича билим ва кўникмаларини онлайн тест синовлари орқали баҳолаш қайси платформа орқали амалга оширилишига аниқлик киритиш ва тест синовлари белгиланган муддатларда ўтказилиши таъминлансин.

1.7. Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилсин.

Раислик этувчи

А. Бурханов

Котиб

Ж. Бешимов

